



“ЎЗБЕКИНВЕСТ” ЭИСК”АЖ “ЎЗБЕКИНВЕСТДАН ҲАР ОЙ СУЮНЧИ” АКЦИЯСИ ҚОИДАЛАРИ

I. АТАМАЛАР

Ташкилотчи – “Ўзбекинвест” экспорт-импорт суғурта компанияси” акциядорлик компанияси.

Акция – “Ўзбекинвестдан ҳар ой суюнчи” акцияси, ташкилотчининг янги мижозларни жалб этиш ва сақлаб қолишга қаратилган муддатли реклама кампанияси.

Қоидалар – www.insurance.uz веб-сайтида жойлаштирилган ҳужжат ҳисобланиб, жисмоний шахсларнинг акцияда иштирок этиш тартиби ва шартларини белгилайди.

Филиал – ташкилотчининг вилоятлардаги ҳудудий филиаллари.

Веб-сайт – қоидалар матни, қоидаларни актуал ва жорий таҳрири ва бошқа акция ҳақидаги маълумотларни ўз ичига олган, интернет тармоғидаги акция веб-сайти: www.insurance.uz.

Акция иштирокчиси (иштирокчи) – 18 ёшдан ошган, муомалага лаёқатли, акция давомида полис(лар) расмийлаштирган жисмоний шахс ҳисобланади.

Соврин – ушбу қоидаларнинг 1-иловасида келтирилган совғалар.

II. КИРИШ ҚИСМИ

2.1. Мазкур қоидалар ташкилотчининг акцияси қоидаларининг оммавий офертаси ҳисобланиб, асосий қоидаларни ва тамойилларни ҳамда жисмоний шахсларнинг акцияда иштирок этиш тартиби ва шартларини белгилайди.

2.2. Акция янги мижозларни жалб қилиш ва уларни сақлаб қолишга қаратилган муддатли маркетинг кампанияси ҳисобланади.

2.3. Ушбу қоидалар оммавий оферта ҳисобланиб, www.insurance.uz веб-сайтида жойлаштирилади.

2.4. Жисмоний шахснинг акцияда рўйхатдан ўтиши ва қатнашиши ушбу Қоидалар билан танишганлиги ва унинг акция иштирокчисига айланишига розилигини тасдиқлайди.

2.5. Акция ташкилотчиси ушбу қоидаларга бир томонлама ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳуқуқига эга, бу ҳақида иштирокчиларни қоидаларнинг янги таҳририни www.insurance.uz веб-сайтига жойлаштириш орқали хабардор қилади.

2.6. Ташкилотчи, ушбу қоидаларни бузган иштирокчиларни акциядан четлаштиришга ҳақли ҳисобланади.

III. АКЦИЯДА ИШТИРОК ЭТИШ

3.1. Акция иштирокчисига айланиш учун ташкилотчининг insurance.uz сайти орқали қуйидаги суғурта полис(лар)и расмийлаштирилиши лозим:

а) Ташкилотчининг www.insurance.uz веб-сайти орқали барча электрон полисларнинг суғурта мукофоти камида *50 минг сўмдан кам бўлмаган миқдорда расмийлаштирилган жисмоний шахс бўлган мижозлар

** 1(бир) йил муддатга расмийлаштирилган, ТВЭФЖМС қилиш ҳайдовчилар сони чекланмаган суғурта полислари*

б) Онлайн хизматлар бўлими орқали транспорт воситаларини суғурталаш (КАСКО, кодлари: 040, 041, 044, 045, 163) суғурта турининг исталган дастури бўйича суғурта полис(лар)и;

3.2. Акция ўтказиш ҳудуди – Ўзбекистон Республикаси.

3.3. Ташкилотчи ходимлари ҳамда уларнинг яқин қариндошлари акцияда иштирок этишлари тақиқланади.

3.4. Акциянинг амал қилиш муддати – 2023 йил 1 июнь соат 00-00 дан 2023 йил 31 август соат 23-59 гача.

IV. АКЦИЯ СОВРИНЛАРИ ФОНДИ

4.1. Акция ғолибларига қуйидаги совринлар топширилади.

Барча электрон полисларнинг суғурта мукофоти камида *50 минг сўмдан кам бўлмаган миқдорда расмийлаштирилган мижозлар соврини

** 1(бир) йил муддатга расмийлаштирилган, ТВЭФЖМС қилиш ҳайдовчилар сони чекланмаган суғурта полислари*

Т/р	Промо-совға номи	Жами сони	Июнь ойи учун	Июль ойи учун	Август ойи учун
1.	Топлам (Bluetooth AUX ва Автомобиль учун телефон ушлагич)	90	30	30	30
2.	Термос	60	20	20	20
3.	“Шиналарни қорайтиргич” спрейи	45	15	15	15
Жами:		195	65	65	65

Онлайн хизматлар бўлими орқали Транспорт воситаларини суғурталаш (КАСКО, коди: 040, 041, 044, 045, 163) суғурта турини(исталган дастури бўйича) расмийлаштирилган мижозлар соврини

1.	Автомобиль учун чангютгич	30	10	10	10
2.	Автомобиль насоси	3	1	1	1
Жами:		33	11	11	11

4.2. Совринлар бўйича солиқлар ташкилотчи томонидан тўлаб берилади. Совринлар пул кўринишидаги эквивалентга айламаштирилмайди.

V. СОВРИННИ АНИҚЛАШ ВА ОЛИШ

5.1. Акция давомида ҳар ой якуни бўйича жами 4.1 бандида кўрсатилган совринлар ўйналади. Ғолиблар 2023 йилнинг июнь, июль, август ойининг якуни бўйича кейинги ойнинг 10 санасигача random.org сайти орқали Компаниянинг ижтимоий тармоқдаги саҳифасида жонли эфирда аниқланади. Иштирокчилар расмийлаштирилган полис(лар)нинг санасига қараб тегишли ойдаги акция иштирокчиси ёки иштирокчилари ҳисобланишади.

5.2. Соврин эгасининг айнан ютуқ чиққан суғурта полиси акциянинг кейинги боскичлари иштирок этмайди.

5.4. Ташкилотчи совриндорнинг фотосуратларидан уларнинг розилигисиз оммавий ахборот воситаларида фойдаланиш, эълон қилиш, улардан интервью олиш ҳуқуқига эга.

5.5. Натижалар ташкилотчининг ижтимоий тармоқлардаги (facebook, instagram, telegram) саҳифаларга жойлаштирилади.

5.6. Кўрсатилган саналарда ташкилотчи томонидан уларга 1-иловада кўрсатилган совриндан топширилади. Совринни олган ғолиб билан 2-иловада кўрсатилган далолатнома расмийлаштирилади.

5.7. Ташкилотчи соврин учун техник хизмат кўрсатиш ҳамда кафолат бериш мажбуриятини олмайди.

5.8. Совринни олиш учун иштирокчи ташкилотчига (агар ғолиб вилоятларда аниқланса, у ҳолда ташкилотчининг филиалига) ўзининг шахсини тасдиқловчи ҳужжатини (паспорт, ID карта) тақдим этиши керак.

VI. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

6.1. Акция иштирокчиси акция қоидаларга риоя қилиши шарт. Компания акция қоидаларини бузган иштирокчини совриндан маҳрум қилиш ҳуқуқига эга.

6.2. Ушбу қоидаларнинг кучга кириш санаси, ташкилотчи веб-сайтида нашр этиш санаси ҳисобланади.

6.3. Акцияда иштирок этиш билан боғлиқ ва ушбу қоидаларда назарда тутилмаган низолар даъво тартибида судда ҳал этилади ва Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ тартибга солинади.

6.4. Акция доирасида юзага келадиган барча ҳаракатлар ва ҳуқуқий муносабатлар Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги билан тартибга солинади. Ҳаракатни амалга ошириш чоғида келиб чиқиши мумкин бўлган низоларни кўриб чиқиш жойи - Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри ҳисобланади.

**«Ўзбекинвестдан ҳар ой суюнчи» акциясида ўйналадиган
совринлар**

Т/р	Соврин номи	Сони, дона
1	Топлам (Bluetooth AUX ва Автомобиль учун телефон ушлагич)	90
2	Термос	60
3	“Шиналарни корайтиргич” спрейи	45
4	Автомобиль учун чангютгич	30
5	Автомобиль насоси	3

2-Илова

**“ЎЗБЕКИНВЕСТ” ЭИСК” АЖ НИНГ
“ЎЗБЕКИНВЕСТДАН ҲАР ОЙ СУЮНЧИ” АКЦИЯСИ
ҒОЛИБИГА СОВРИННИ
ТОПШИРИШ – ҚАБУЛ ҚИЛИШ
ДАЛОЛАТНОМАСИ**

«_____» _____ 2022 й. _____ ш.

Ушбу топшириш-қабул қилиш Далолатномаси, _____
Бош менежери _____ топширганлиги ва
_____ истиқомат қилувчи, _____
томонидан берилган, паспорт серияси _____ бўлган, Ўзбекистон
Республикаси фуқароси _____, “Ўзбекинвестдан ҳар
ой суюнчи” акцияси ғолиби сифатида қуйидаги совғани қабул қилиб олганлиги ҳақида
тузилди.

Совриннинг номи	Сони (дона)

Ушбу топшириш-қабул қилиш Далолатномаси 2 (икки) нусхада тузилди ва
томонларнинг ҳар бирида бир нусхаси сақланади.

ТОПШИРДИ:

ҚАБУЛ ҚИЛДИ:

(Департамент номи)

Бош менежери

Ф.И.О.

(имзо)

Ф.И.Ш.

Паспорт серияси _____

Қачон ва ким томонидан берилган

Ф.И.О.

(имзо)